ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2004-yil, 13-fevral, 7 (596)-son Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

● **Тошкентда 7 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиши бўлди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.**

● Матбуотда "2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори эълон қилинди.

● **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳр ва мурувват йили Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.**

● Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси "Наврўз — боқий байрам!" республика танловини эълон қилди. Юртимизга баҳорнинг ифорли нафасига йўғрилиб кириб келувчи бу айёмнинг гўзал дамларини жўшиб, илҳом ва эҳтирос билан ёзган, акс эттира билган ғолиб ижодкорлар муносиб тақдирланади.

● **Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Кенгаш ва жамғарманинг жойлардаги идоралари вакиллари қатнашган мазкур йиғинда 2003 йил якунлари ҳамда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.**

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломалар сиймолари ва мероси Ўзбекистон рассомлари ижодида" мавзусида кўргазма очилди.

● **Пойтахтимизда АҚШ ҳукуматининг "Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги" (EXBS) дастури доирасида мамлакатимиз чегарачиларига техникавий ёрдам тариқасида навбатдаги транспорт воситалари ва бошқа жиҳозлар топширилди.**

ЙИЛ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг сайёр ҳайъат мажлиси Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди ва "2003 йилда алоқа соҳаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" маъруза қилди.

Маърузада таъкидланганидек, ҳисобот йилида ахборот технологияларини иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўламда жорий этиш, аҳолининг ахборотга ўсиб бораётган талабларини қондириш, халқаро ахборот жамиятига киришда қулай шароитлар яратиш соҳанинг асосий вазифалари деб қаралди. Қабул қилинган қарорларни бажаришда сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўтган йили экспорт 27,01 млн. АҚШ долларини (135,7 фоиз), импорт эса 98,7 млн. АҚШ долларини (262 фоиз) ташкил этди. Аҳолига кўрсатилган алоқа хизматлари ҳажми 87,8 млрд. ва тизим бўйича 67,6 млрд. сўмдан иборат бўлди. Қўшма корхоналарда 55,4 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиб, умумий даромад ҳажмидаги улуши 35,3 фоизни ташкил этди.

Инвестиция сиёсатининг тўғри олиб борилиши натижасида соҳага хорижий сармоялар жалб этилди. Исроилнинг "Солан Коммуникейшенс" компанияси билан "Тошкент таксофони" АЖ негизида Устав жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг бўлган қўшма корхона тузилди. Англиянинг "Ествелл" ва Россиянинг "Эликс Кабел" компаниялари билан Устав жамғармаси 6,1 млн. АҚШ долларига тенг бўлган "Есттелеком" ҚК Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилди.

Соҳа ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 2002 йилда 43,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2003 йили бу кўрсаткич 58 минг сўмга етказилди.

Телефон сўзлашувлари 2002 йилга нисбатан 3,0 фоизга, даврий нашрлар 3,5, хат-хабарлар 1,1 ва пул жўнатмалари 1,0 фоизга кўпайди.

АКТ ва Интернет ривожланиши ҳисобига телеграммалар жўнатиш хизмати ҳажми 6,3 фоизга камайди. Бу жараён барча ривожланган давлатларда ҳам кузатилмоқда. Асосий телефонлар сони йил бошига нисбатан 32880тага ўсиб, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 1661380тани ташкил этди. Уяли телефон алоқаси абонентлари сони 323,35 мингтага етиб, йил бошига нисбатан 173 фоизга тенг бўлади.

Интернет тармоғининг халқаро ахборот тармоқларига уланиш тезлиги 32,8 Мгбит/сек.га етказилди. Интернетга уланиш йил бошига нисбатан икки баробарга ошди ва фойдаланувчилар сони тахминан 500 минг кишига етди.

"uz" ҳудудида рўйхатга олинган веб саҳифалар сони йил бошига нисбатан 4,4 баробарга ортиб, 2563тани ташкил этди.

Компютер тизимлари билан аҳолини таъминлашга яратилган имтиёзлар ҳисобига ўтган йилда улар импорти 41 млрд. сўмлик божхона тўловларидан озод этилди.

"Обод маҳалла йили" дастурига асосан соҳада тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 225та қишлоқ АТС ва 2066та таксофон нуқталари ижарага берилди. Кам таъминланган ва ёш оилалар учун 58,3 млн. ҳамда ёлғиз пенсионерларга 68,5 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди. Умуман олганда дастурга мувофиқ 961 млн. сўмлик тадбирлар амалга оширилди.

Хуллас, Президентимиз томонидан белгилаб берилган беш тамойилдан иборат ўзбек модели ҳаётда ўзининг исботини топмоқда. Яъни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотлар уйғунлашган ҳолда доимий равишда ривожланиб бориши тажрибада кўриниб турибди.

Соҳада эришилган натижалар билан бир қаторда камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Корхоналар умумий дебиторлик қарзлари 10,3 млрд. сўм ва хизматлар учун 6,2 млрд. сўмни ташкил этди. Бу йил бошига нисбатан 1,0 млрд. сўмга кўпайди деганидир. Кўрсатилган хизматлар учун қарзларнинг 44,7 фоизи хўжалик юритувчи субъектларга, 36 фоизи эса аҳолига тўғри келади.

Кредиторлик қарзлари 15,7 млрд. сўм, жумладан, хизматлар учун 4,5 млрд. сўмдан иборат бўлиб, бу йил бошига қараганда 3,9 млрд. сўмга кўпайган. Қарзларни камайтириш борасида қилинаётган ишларни кучайтириш долзарблигича қолмоқда.

Афсуски, амалга оширилган ижобий ишларга соя ташлаётганлар ҳам учраб турибди. Яъни "Ўзбекистон почтаси" ДАК корхонасидаги айрим почта ходимлари томонидан 2003 йил давомида 19 ҳолатда 76,1 млн. сўмлик пенсия тўловлар ("Андижон почтаси"да бир ҳолат бўйича 2 млн. сўм, "Қашқадарё почтаси"да 1,3 млн., "Самарқанд почтаси"да етти ҳолат бўйича 30,6 млн., "Сурхондарё почтаси"да беш ҳолатда 3,5 млн., "Тошкент почтаси" АЖда ҳам беш ҳолатда 38,7 млн. сўм) талон-тарож қилинган.

Ўтган йилни еттита корхона зарар билан якунлади. Булар "Ўзбектелеком" АКда "Чирком" ва "Ўзмаком" ҚКлари бўлса, "Ўзбекистон почтаси" ДАКда Андижон, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё, Тошкент почта корхоналаридир.

АКТ соҳасидаги статистик ҳисобот тизимини жорий йилдан амалга киритиш йўлга қўйилди. АКТни бошқарув тизимига жорий этиш ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни баҳолаш бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлашни жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Жорий йилда ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар мавжуд. Жумладан, Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ, Агентлик бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини якунлаш, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги ҳукумат қарорини бажарилишини таъминлаш, шунингдек, АҚШнинг Тараққиёт ва ривожланиш агентлиги ёрдамида ишлаб чиқилган компютерлаштириш лойиҳасини амалга оширишни бошлаш, хусусийлаштиришни белгиланган муддатларда амалга ошириш, вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар томонидан локал тармоқлар тузиш ишларини жадаллаштиришда кўмаклашиш ва бошқа кўпгина ишларни амалга ошириш лозимдир.

Йиғилишда "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори Р.Зикиров, "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдинов, "Бухоро Телеком" филиали директори Ш.Худойбердиев, "InfoCom.uz" журнали таҳрир ҳайъати раиси А.Сучков, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т.Назаржоновлар сўзга чиқишди.

Ҳайъат мажлисида, шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университетининг келгуси йил ўтказилиши мўлжалланаётган 50 йиллик юбилейига тайёргарлик масаласи хусусида университет ректори С.Қосимов маърузаси тингланди. Маърузада университетнинг ҳозирги аҳволи, уни юбилейга тайёрлаш ҳақида сўз юритилди.

Ҳайъат ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплекси котибиятининг мудири Ғ.Зияев қатнашди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

И.АҲМЕДОВ

HAMKORLIK UFQLARI

ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

"Ўзбекистон почтаси" давлат акциядорлик компанияси директорлар кенгашининг 2003 йил якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Уни компания бош директори Р.Зикиров олиб борди.

"Ўзбекистон почтаси" ДАКнинг бўлим бошлиғи А.Хидиров "Почта соҳаси корхоналарининг 2003 йил иш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг бориши тўғрисида" маъруза қилиб, 2003 йил давомида почта корхоналарида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар хусусида маълумот берди.

Ўтган йил мобайнида почта соҳаси корхоналари томонидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш борасида маълум ишлар қилинди. Корхоналар томонидан 11484,0 млн. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, соф фойда 113,6 млн.сўмни ташкил этди. 2002 йил билан солиштирилганда хизматлар ҳажми – ёзма хатхабарлар 4 фоизга, пул жўнатмалари 5 фоизга кўпайган. Жўнатмалар сони эса 19 фоизга камайган.

Ҳозирги кунда компания тизимида жами 13665 нафар ходим меҳнат қилади ва уларнинг ўртача ойлик маоши 29985 сўмни ташкил этади.

Янги хизмат турларини жорий этиш борасида амалга оширилган ишларга мисол сифатида республикамизда Direkt mail (Бевосита почта рекламаси) хизмати ташкил қилинганини кўрсатиш мумкин. Ҳозирги кунда Golden pages фирмаси билан 1405та ташкилотга ва "Фармед" фармацевтика хусусий фирмаси билан 2206та ташкилотга реклама қилиб, 2003 йилда ўзлаштирилган ва ўғирланган пенсия пул маблағларининг 19 ҳолати аниқланганги ҳамда ушбу ҳолатлар содир этилиши сабаблари "Андижон почтаси", "Самарқанд почтаси", "Сурхондарё почтаси", "Қашқадарё почтаси" ҳамда "Тошкент почтаси" АЖлари Кузатув Кенгаши мажлисларида кўриб чиқилиб, 44та ходим эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганини таъкидлаб ўтди.

Почта алоқаси корхоналарига 2003 йил давомида келиб тушган шикоятлар сони ўтган йилгига нисбатан 10067тага (3321та ўрнига 13247тани ташкил этган) кўпайган. Алоқа корхоналари айби билан юзага келган шикоятлар сони 2002 йили 36та бўлган бўлса, 2003 йили бу рақам 44тани ташкил қилган.

2003 йил давомида халқаро почта жўнатмаларини қидириш масаласи бўйича 1863та эътирозномалар ёки рекламация кўрилиб чиқилган.

Ҳисобот даврида вилоят марказлари ўртасида ёзма хатхабарларнинг назорат муддатлари ўтишини аниқлашда жами 182351та хат ҳисобга олиниб, улардан 8370таси (4,6 фоизи) назорат муддатларининг бузилиши билан, 1076таси (0,6 фоизи) почта алоқа корхоналари айби билан белгиланган назорат муддатларидан кечиктириб етказиб берилган.

Йиғилишда шу каби ва бошқа почта соҳасида тўпланиб қолган муаммо ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилиниб, аниқ таклифлар ҳамда танқидий фикрлар билдирилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан "Халқаро тезкор почта" АЖ директори Р.Каримов, "Халқаро почтамт" АЖ директори Қ.Тулебаев, "Навоий почтаси" АЖ директори У.Жумаев, "Сирдарё почтаси" АЖ директори М.Қличевалар сўзга чиқишди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

З.ҚОСИМОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ: ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Республикамизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида қабул қилинган Президент Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва дастурларини бажаришда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан катта ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда телекоммуникациялар тизими бўйича дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айниқса, бу борада Япониянинг ўзига хос ўрни бор. Жумладан, алоқа соҳасини ривожлантириш мақсадида юртимизга 1995-2000 йиллар мобайнида Япониянинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик фонди (OECF) имтиёзли кредити ҳисобига 12,7 миллиард япон йени миқдорида сармоя жалб қилиниб, республикамиз вилоятлари марказларида рақамли каналлар ташкил қилиш учун 1915 км. оптик-толали алоқа кабели ётқизилди ҳамда 1028 км. радиорелейли ва узатиш тизимлари ўрнатилиб ишга туширилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида эса сифатли, замонавий хизматлар кўрсатувчи 251,5 минг линияга эга бўлган рақамли телефон станциялари ўрнатилди. Натижада тўртта вилоятда замонавий шаҳарлараро ва 39та туман ва шаҳарларда маҳаллий телефон алоқа хизматидан фойдаланиш имконияти яратилиб, республиканинг барча вилоят марказлари рақамли алоқа каналлари билан таъминланди.

Республикамиз ҳукумати билан Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ўртасида тузилган кредит келишувига асосан, 1999-2005 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш лойиҳасининг 2-босқичини амалга ошириш учун Япония банки томонидан 12,7 миллиард йен миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу кредит ҳисобига Агентлик, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ва Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази (РРТМ) корхоналарининг саъй-ҳаракатлари натижасида 37000 сиғимга эга бўлган телефон станциялари, иккита халқаро телефон станциялари ҳамда 185та узатиш ва бешта радиорелейли алоқа тизимларини ўрнатиш, 2700 км.га яқин оптик-толали алоқа кабелларини ётқизиш, шунингдек, тўртта вилоят аҳолиси учун алоқа хизматларини кўрсатиш қийин бўлган ҳудудларини қамраб олган ҳолда симсиз абонент линиялари тизимини татбиқ қилиш ва 63та телевидение ва 36та радио узатгичларни ўрнатиш лойиҳалари яратилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун DETECON/NT+ti маслаҳатчилари ёрдамида халқаро тендер ўтказилди. Танловда ўттиздан ортиқ хорижий компания ва фирмалар иштирок этишди.

Тендер, асосан, тўртта Лот бўйича ташкил қилинган бўлиб, 1-Лот рақамли телефон станцияларини ўрнатиш ишларини, 2-Лот оптик ва радио алоқа тизимларини ўрнатиш, оптик-толали кабелларни олиб келиш ва уларни ётқизиш, 3-Лот симсиз абонент линиялари тизимини татбиқ қилиш, 4-Лот телевидение ва радио узатгичларини ўрнатиш ишларини ўз ичига олган.

Танловнинг 1, 2 ва 4-Лотлари бўйича "Мицуи" компанияси ва унинг пудратчилари "НЭК" ҳамда "Фужикура" (Япония), "Хуавей" (Хитой), "Харрис" (АҚШ) компаниялари, 3-Лот бўйича эса "Марубени"(Япония) компанияси ҳамда унинг пудратчиси "Люцент технолоҳи" (АҚШ) компанияси ғолиб бўлди ва тегишли шартномалар тузилиб, амалий ишлар бажаришга киришилди. Ҳозирги кунга келиб лойиҳа бўйича сармоянинг 30 фоизи, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 19 декабрдаги қарорига асосан кўзда тутилган 35 млн. ўрнига 38 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди. Жорий йилда эса 46,8 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Хориждан валюта эвазига олиб келинаётган замонавий асбоб-ускуналар, телекоммуникация воситаларини ўрнатиш, монтаж қилиш ва бошқариш ходимдан етук малака талаб этиши шубҳасиз. Агентлик раҳбарияти бу борада ҳам узоқни кўзлаб иш олиб бормоқда. Масалан, 1-Лот бўйича Агентлик ва "Ўзбектелеком" АКнинг 15 нафар мутахассиси "Хуавей" компаниясининг Хитойдаги заводида телефон станцияларининг қурилиш-монтаж ишлари бўйича ўтказилган ўқишда ўз малакаларини ошириб қайтдилар. Айни дамда улар эгаллаган назарий билимларини амалда қўллашмоқда. "Ўзбектелеком" АК ва РТТМ мутахассислари эса хорижий компания заводларида ишлаб чиқарилаётган қурилмаларни текшириш ва қабул қилиш ишларини якунлаб бўлишди.

Ҳозирда "Ўзбектелеком" АК томонидан Фарғона вилоятида шаҳарлараро телефон станцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида янги рақамли телефон станциялари ўрнатиладиган хоналар таъмирланиб, монтаж ишларига шай қилиб қўйилди ва қурилмаларни станцияларга етказиш ишлари бошлаб юборилди.

2-Лот бўйича "Ўзбектелеком" АКнинг 28 нафар мутахассиси Япония ва Белгия заводларида бўлиб, ўз тажрибаларини ошириб келишди. Бундан ташқари, "Мицуи" ("НЕК", "Фужикура") томонидан Тошкентда ташкил қилинган ўқишда "Ўзбектелеком" АКнинг 30 нафар ходими оптик-толали алоқа кабелларини монтаж қилиш бўйича малакаларини оширишди.

"НЕК" компанияси ва "Ўзбектелеком" АК мутахассислари билан биргаликда Наманган, Самарқанд, Фарғона ҳамда Андижон вилоятларида узатиш тизимларининг монтаж ишлари тугатилди. Ҳозирги вақтда монтаж ишлари Тошкент вилоятида олиб борилмоқда.

Оптик-толали алоқа кабеллари бўйича қурилиш ишларини "Салин" ва "Aloqainvest" АЖлари амалга оширяпти. Шу пайттача улар томонидан 1300 км.дан ортиқ оптик-толали алоқа кабеллари ётқизилди. Жорий йилнинг охиригача бу кўрсаткични 2700 км.га етказиш режалаштирилмоқда.

3-Лот бўйича "Марубени" компанияси билан тузилган шартнома жорий йилнинг 22 январидан кўча кирди. Ҳозирда CDMA-450 технологиясига асосланган замонавий симсиз абонент линиялари қурилмаларини етказиш ва уларни ўрнатиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамиз Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида тўртта вилоят аҳолиси учун алоқа хизматларини кўрсатиш қийин ҳудудларда замонавий симсиз абонент линиялари тизимини ишга тушириш мўлжалланмоқда.

4-Лот бўйича РРТМнинг 14 нафар мутахасиси телевидение узатгичлар бўйича Япониянинг "НЕК" компанияси заводида ўз малакаларини оширди.

РРТМ ва НЭК компанияси мутахассислари билан биргаликда жорий йилнинг охиригача бешта вилоятда телевидение узатгичларини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Лойиҳа ишларини жадал суръатларда амалга ошириш билан бир қатор объектларда янги тизимларни ишга тушириш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳаси 2-босқичининг Япония халқаро ҳамкорлик банки томонидан молиялаштирилаётган барча ишлари жадаллаштирилиб, 2005 йил бошларида поёнига етказиш назарда тутилаётир.

Хуллас, Япония билан ҳамкорликда мамлакатимиз телекоммуникация ва ахборот-технологиялари тизимини ривожлантириш борасидаги амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ўйлаймизки, бу ҳамкорлик келажакда янги босқичларда давом эттирилади.

А.ИЗБОСАРОВ,
Агентлик Бош директорининг ўринбосари, JBIC лойиҳаси директори

TATU HAYOTIDAN

МАЪНАВИЯТ КУНИ

Маънавият ва маърифатга асосланган ҳар бир жамият ва ҳар бир давлат истиқболли келажакка эга бўлиши турган гап.

Яқинда Тошкент ахборот технологиялари университетида "Маънавият куни" бўлиб ўтди. Унда университет раҳбар ходимлари билан талабаларнинг очиқ мулоқоти ўтказилди. Барча ўқув гуруҳларида мураббийлик соатлари ташкил этилиб, мураббийлар ва талабалар ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳалардаги ўзгаришлар, маънавий қадриятларимизни қайта тиклаш, Меҳр ва мурувват йилида қилиниши мўлжалланган ишлар ҳақида фикрлашдилар.

Тадбирга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлиснинг Фан, маданият ва спорт қўмитаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор Н.Жўраев талабалар билан "Парламент ислоҳоти" мавзусида суҳбатлашди. Қизиқарли савол-жавоблар остида ўтган ушбу учрашув йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Университетнинг "Талабалар уйи"да ҳам "Маънавият куни" мазмунли ўтказилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан биргаликда навоийхонлик кечаси уюштирилиб, унда талаба-ёшлар Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, навоийшунос олим Э.Очилов ва арабшунос олим Т.Имомовларнинг "Навоий асарларида меҳр ва мурувватнинг тасвирланиши" ҳақидаги қизиқарли суҳбатларидан баҳраманд бўлишди.

Талабалар шу куни Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Темурийлар тарихи давлат музейи, Санъат, Ўзбекистон тарихи ва Шаҳидлар хотираси музейларига ташриф буюрдилар. Шунингдек, волейбол, баскетбол, армрестлинг, мини футбол, гандбол, стол тенниси ва шахмат каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, "Маънавият куни"ни талабалар зўр мамнуният ва бой таассуротлар билан якунладилар.

М.ИБРОҲИМОВА,
ТАТУ "Маънавият ва маърифат" бўлими бошлиғи

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

ҚАТЪИЙ ЧОРА КЎРИЛАДИ

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун нафақат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ёки хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, балки фаолиятни қонун талаблари асосида олиб бориш ҳам ўта муҳимдир. Афсуски, тадбиркорлик субъектларининг барчаси ҳам ушбу талабларга жавоб беради, деб бўлмайди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли йўналишлари қатори алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имконият яратилганлиги туфайли алоқа хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу яхши, албатта. Бироқ иш юритиш жараёнида мавжуд қонунлар, меъёрий ҳужжатлар талаблари эътибордан четда қолса-чи? Унда ҳамма ишлар сохтага айланади, яъни сохта тадбиркорлик, сохта тадбиркор, деганларидек.

Бухоро вилояти Давлат алоқа инспекцияси лицензиясиз фаолият олиб бораётган телекоммуникация хизмати кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш мақсадида ўрганишлар ўтказди. Ўрганишлар давомида Бухоро шаҳри, Ж.Икромий кўчасида жойлашган "Зиё" китоб дўконида фаолият юритиб келаётган "Интернет кафе" махсус рухсатномасиз Интернет хизмати кўрсатаётгани аниқланди. Мазкур "Интернет кафе" фаолияти тўхтатилиб, Давлат алоқа инспекциясининг кўрсатмаси тақдим этилганидан сўнггина ўрнатилган тартибда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан лицензия олинди.

Бухоро шаҳри, О.Эшонов кўчасида жойлашган "Ўктам К°" хусусий фирмаси ҳам ҳеч қандай рухсатномасиз шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқалари ҳамда Интернет карточкалари сотувини ташкил қилган. Фирма "КОС-КОМ" қўшма корхонасига уланган 12та уяли телефон орқали бошқа манзилга узатиш (переадресация) сервис хизматидан фойдаланиб, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматини кўрсатган ҳамда мўмай даромад орттирган. Лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги учун ушбу хусусий фирма фаолияти ҳам тўхтатилиб, тегишли идораларга юқоридаги камчиликлар юзасидан чора кўриш учун маълумотлар тақдим этилди.

Бухоро вилояти Давлат алоқа инспекцияси жойларда камчиликларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бироқ яна шуни таъкидлаш лозимки, юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар ягона эмас, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар етарлича топилади. Назоратни янада кучайтириш, тадбиркорларнинг соҳа меъёрий ҳужжатлари билан танишиб чиқишларига имконият яратиш ва қонунбузарликка йўл қўйганларга нисбатан қатъий чоралар кўриш лозим.

А.АТАМУРОДОВ,
Бухоро вилояти ДАИ бошлиғи

VILOYATLARDAN DARAKLAR

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Жойларда Меҳр ва мурувват йили дастури доирасида аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, ғамхўрлик, иззат-икром ва ўзаро ҳурмат каби халқимиз қадриятларини улуғлашга қаратилган турли савоб ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири "Фарғона почтаси" акциядорлик жамиятининг Янгиқўрғон филиалида ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирга почта алоқаси соҳасида ишлаб пенсияга чиққан 21 нафар отахон ва онахонлар таклиф этилди. Фахрийлар бир пиёла чой баҳонасида дийдорлашдилар, ўзларига кўрсатилган эътибор, меҳр-мурувватдан кўнгиллари тоғдек кўтарилиб, ташкилотчиларга миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

Йиғилиш сўнгида уларга пул мукофотлари топширилди.

О.РАҲМОНОВ

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЎҚУВИ

"Бухоро Телеком" филиалида вилоят бўйича ҳар ойда ўтказиб келинаётган Маънавият ва маърифат ўқуви доирасида навбатдаги машғулот бўлиб ўтди. У мамлакатимизда қабул қилинган Меҳр ва мурувват йили дастурининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланди.

Ўқув давомида таъкидланганидек, Меҳр ва мурувват йили дастури янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги мақсад ва интилишларимизни, эзгу ниятларимизни рўёбга чиқариш учун муҳим омил бўлиб, амалга оширилаётган барча ижобий ишларни янги босқичга кўтариш имконини беради.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлимининг етакчи мутахассиси А.Қиличев, Бухоро шаҳар бўлими раҳбари Р.Маҳмудов, бухоролиқ адиба М.Холова ва бошқалар жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хуллас, Меҳр ва мурувват йили дастурини изчил бажариш учун барча ерда, шу жумладан, алоқа корхоналарида ҳам амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қатнашчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олишди.

А.ИСТАМОВ

ALOQA OLAMIDA

ФИРИБГАРЛАР ЖАЗОЛАНАДИ

АҚШ конгресси Интернет сайтларида жиноий мақсадларда сохта ном қилишнинг уддасидан чиқилмаяпти. Шунинг учун Интернетдаги номлар ва рақамларни тақсимловчи корпорация (ICAAN) АҚШ ҳукумати билан тузилган битимга мувофиқ, домен номларини сотиш билан шуғулланувчи компаниялар ўз мижозларидан аниқ маълумотлар олишини талаб қиляпти.

тида рўйхатдан ўтганларга нисбатан кўриладиган чораларни кучайтирмоқчи. Washington Post газетаси тарқатган хабарда виртуал соҳада фирибгарлик ва кўзбўямачилик билан шуғулланганлар етти йилгача озодликдан маҳрум қилиниши ҳамда катта миқдордаги жарима тўлаши ҳақида айтилади.

Соҳадаги қонунбузарликлар орасида муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг рухсатисиз уларнинг материалларини тарқатиш энг кўп қузатилмоқда. Сайт эгалари рўйхатдан ўтишда тўқима номлар ва нотўғри телефон манзилгоҳларидан фойдаланишгани боис уларни таъқиб

Бироқ аксарият мижозлар шахсий ҳаётлари дахлсизлигини сақлаш мақсадида ўзларининг ҳақиқий номлари ва манзилларини кўрсатишни исташмайди. Янги қонунда бу ҳолат ҳам инобатга олинган. Яъни рўйхатдан ўтишда нотўғри маълумот тақдим қилганлар бу ишни Интернетдаги жиноятларини махфий тутиш мақсадида амалга оширганлари аниқланган тақдирдагина жазоланадилар.

ҲИНДИСТОН САРМОЯДОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА

Ҳиндистон телекоммуникациялар инфратузилмаси катталиги бўйича дунёда бешинчи ўринда туради. Ҳозир бу ерда телекоммуникация соҳалари жадал равишда ривожланаётганини кузатиш мумкин – симли алоқа соҳасидаги ўсиш йилига 22 фоизни ташкил қилган ҳолда, мобил алоқаси ва Интернетга уланиш кўрсаткичларининг ўсиши 100 фоизга тенг. Ҳар йили бўлиб ўтадиган Supercomm кўргазмасининг навбатдаги очилиш маросимида иштирок этган Motorola корпорацияси бошқаруви раиси, АҚШнинг 700та ишлаб чиқарувчини бирлаштирувчи Телекоммуникация соҳаси ассоциацияси (TIA) раҳбари Майкл Кеннединг сўзларига қараганда, 2005 йилнинг декабр ойига қадар Ҳиндистондаги уяли алоқа абонентлари сонини 100 миллионга етказиш учун 12 миллиард АҚШ доллари зарур бўлади. Ҳинд ҳукумати соҳани ривожлантириш учун талаб қилинадиган барча шароитни яратишни ўз зиммасига олган, жумладан, хорижий сармоялар ҳажмининг ошиши рағбатлантирилади (хориж сармояларининг 74 фоизи алоқа соҳасига киритилмоқда). Мутахассисларнинг фикрига кўра, Интернетга киришни йўлларининг кенгайиши Ҳиндистонда қўшимча 50 миллион иш ўринлари яратиш имконини беради.



INTEL ВА MOTOROLA ИТТИФОҚҚА ҚЎШИЛИШДИ

Intel ва Motorola корпорациялари мобил аппаратлари дизайнини соддалаштириш мақсадида Nokia ҳамда унинг асосий учта микропроцессорлар таъминотчиси ташаббуси билан тузилган иттифоққа кириш розилигини билдирган 35та компания сафига қўшилишди. Mobile Industry Processor Interfase(MIPI) иттифоқи 2003 йилнинг июлида Nokia (Финляндия), Texas Instruments (АҚШ), STMicroelectronics (Франция-Италия) ва ARM (Буюк Британия) компаниялари томонидан ташкил этилган эди.

MIPI ташкилотчиларининг асосий вазифаси симсиз аппаратлар функцияларини янада кенгайтириш ҳамда янги авлод телефонлари бозорида якка карвонбоши пайдо бўлмаслигини таъминлашдир. Ишлаб чиқарувчилар шу тарифа ўзининг бирламчи функциясидан ташқари, қўшимча, компьютерга хос бўлган функциялар, жумладан, Интернетга уланиш вазифасини ҳам бажарувчи телефон аппаратларига бўлган қизиқишни янада кучайтиришмоқчи.

Иттифоқ аъзоларининг бештаси дунёдаги энг илғор олтита уяли телефон аппаратлари ишлаб чиқарувчиларидан ҳисобланса, тўртласи симсиз алоқа микропроцессорлари бозоридаги бешта етакчи компаниялар сафидан ўрин олган.

ВНИМАНИЕ: СПАМ!

РАСПРОСТРАНЕНИЕ СПАМА В 2003 ГОДУ

2003 год заставил всех по-новому взглянуть на проблему спама. Теперь это не только угроза личному времени и эмоциональному состоянию. Появились вирусы, которые используют, и довольно успешно, спам - технологии. Например, Sobig.f на пике своей популярности находился в каждом 20-м письме.

ГДЕ НАХОДИТСЯ РОДИНА СПАМА?

79,1% мирового спама рассылается из Северной Америки - такой вывод сделала консалтинговая фирма Brightmail. Спамеры Европы рассылают 10,4% таких посланий, спамеры Азии - 7,6%, спамеры Южной Америки - 1,7%. Остальные регионы мира обеспечивают лишь 0,3% от общего количества спама. Любопытно, что несмотря на все многообразие языков, существующих в мире, не менее 60% всех несанкционированных писем пишутся на английском.

ВИРУСЫ НАСТУПАЮТ

Ущерб от вирусов год от года растет стремительными темпами. По данным антивирусной компании Trend Micro, в 2001 году он составил примерно $13 млрд., в 2002 году, по разным оценкам, - от $20-30 млрд., а по итогам 2003-го года - достиг впечатляющей цифры в $55 млрд. Эксперты настроены пессимистично – из-за вирусов в 2004 году компании потеряют еще больше.

НОВЫЙ ВИРУС ПОРАЗИЛ СЕТЬ

В Интернете началась масштабная эпидемия нового сетевого червя Bagle. Экспертами уже зафиксированы десятки тысяч случаев заражения этой вредоносной программой в различных странах мира. Вирус распространяется через электронную почту и имеет произвольный адрес отправителя. Зараженные письма можно узнать по теме и подписи отправителя внизу письма.

По данным "Лаборатории Касперского", червь представляет собой исполняемый в среде Windows файл размером около 15 Кб, приложенный к письму с произвольным адресом отправителя.

ЧЕРВЬ MYDOOM

Червь W32/Mydoom@MM распространяется по электронной почте. Этот червь может замаскировать адрес отправителя (этот метод известен как spoofing, имитация соединения), и может создавать электронные письма, выглядящие так, как будто они отправлены корпорацией Майкрософт. Множество адресов, используемых червем Mydoom, являются действительными адресами.

ЗАЩИТИТ КОРПОРАТИВНЫЕ СЕТИ

Компьютерные вирусы нанесли в прошлом году огромный ущерб корпоративным сетям, который исчислялся, по разным данным, от десятков до сотен миллионов долларов. Компания Check Point, разработчик средств сетевой безопасности, представила радикальное решение для борьбы с компьютерными вирусами - систему InterSpect, в которой вирусы обнаруживаются не в момент их появления на компьютерах, а еще до этого, когда передаются пакеты информации между компьютерами.

ЗАПУСТИЛА РЕЗЕРВНЫЙ САЙТ

Корпорация Microsoft объявила о запуске резервного сайта, который должен обеспечить возможность доступа к ресурсам софтверного гиганта в том случае, если основная страница будет выведена из строя червем Mydoom. Кроме того, системные администраторы уменьшили величину TTL (time to live), задающую срок хранения или использования пакетов получателем, до 60 секунд.

(По материалам Internet)

ВЫШЕЛ В СВЕТ

ЯНВАРСКИЙ НОМЕР ЖУРНАЛА INFOCOM.UZ

На обложку первого номера журнала InfoCOM.UZ вынесен заголовок: "Нанотехнологии: первые шаги". Действительно, в наши дни высокие технологии развиваются столь стремительно, что в самое ближайшее время человечество сможет оперировать отдельными атомами, создавая ранее неизвестные вещества, придавая им нужные человеку физические свойства. Речь идет как о создании новых материалов, медикаментов, наноэлектроники, так и о создании нанороботов или машин размером в несколько десятков атомов. По прогнозам ученых, к середине 21 века мы можем достичь бессмертия или по крайней мере значительно увеличить продолжительность нашей жизни. И помогут нам в этом нанотехнологии или технологии, оперирующие размерами менее 100 нанометров. Чтобы понять, много это или мало, приведем пример: диаметр человеческого волоса составляет двести тысяч нанометров. Самыми массовыми пользователями нанотехнологий стали информационно-коммуникационные технологии. Современные производители процессоров (Intel , IBM и другие) и микросхем уже в 2004 году перейдут на технологический процесс в 90 нанометров. В журнале опубликована обзорная статья, повествующая на конкретных примерах о первых достижениях в области нанотехнологий и перспективах их развития.

Январский номер, как и положено, рассказывает также об итогах работы за прошлый год. Опубликована интересная статистическая информация о динамике развития информационно-коммуникационных технологий в Узбекистане. Прочитав статью "Об итогах работы за 12 месяцев 2003 года...", можно узнать, сколько у нас в стране компьютеров, интернет-провайдеров, пользователей сети Интернет, абонентов сотовых компаний и многое другое. Все цифры приведены в динамике, сравнительно с аналогичным периодом прошлого года в привязке к Национальной программе развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на 2002-2010 годы. Цифр много, и они интересные.

В журнале также много других статей, репортажей с форумов и семинаров, а в конце номера даже опубликован фантастический рассказ. Среди статей обращает на себя внимание публикация "Проблемы стандартизации электронных шрифтов", в которой авторы рассказывают о проблемах, связанных с разработкой и стандартизацией, в частности, шрифтов новой узбекской латиницы.

О первых шагах недавно созданной Ассоциации молодых программистов Узбекистана читайте в статье "Первые шаги ассоциации молодых программистов".

Для любителей компьютерного "железа" предлагается серия статей, начиная с рассказа о серверах HP и новинках этого всемирно известного производителя, до результатов тестирования широкого спектра компьютерного оборудования: дисковода DVD-ROM, TFT-LCD-мониторов Samsung, видеоплат ASUS, ноутбука Fujitsu Siemens и многих других устройств.

Каждого тридцатого читателя журнала InfoCOM.UZ ожидает небольшой сюрприз: интернет – провайдер ООО "TEXNOPROSYSTEM" презентует в каждый тридцатый журнал интернет-карту номиналом в 3000 сумов, для того чтобы вы сами смогли протестировать новый продукт на нашем рынке. Для тех, кому не выпадет интернет-карта, в качестве утешительного приза посвящена статья о тестировании вышеназванных интернет- карт.

Для тех, кто занимается Интернет-технологиями, будут интересны статьи: "История создания одного сайта", "Сетевая жизнь картинок", "Развитие услуг сети Интернет в Республике Узбекистан: проблемы и решения".

Если вам необходимо в срочном порядке повысить свое компьютерное образование, то не лишне будет ознакомиться со статьей "Учебный центр "UCD Micros": преимущество профессионального подхода".

Всего же на 96 страницах январского номера InfoCOM.UZ опубликовано более двадцати статей на различную тематику, объединенных общим понятием: Информационно-коммуникационные технологии Узбекистана. Читайте, это интересно.

НОВОСТИ ИКТ

ПРОДАЕТСЯ ИНТЕРНЕТ-ПРОВАЙДЕР

Госкомимущество Узбекистана повторно объявило конкурс по продаже 100% активов национального Интернет-провайдера – предприятия государственной сети передачи данных «УзПАК».

Конкурс будет проводиться в форме открытого тендера. Стартовая цена госактивов осталась неизменной и составляет порядка $368 тыс.

Источник: http://www.e-rus.ru

АМЕРИКАНЦЫ БОЛЬШЕ ТРАТЯТ НА СВЯЗЬ

Общие доходы телекоммуникационной отрасли США в 2003 году выросли на 4,7% и составили $720,5 млрд., сообщает национальная Ассоциация телекоммуникационной индустрии (TIA). По данным ежегодного «Обзора и прогнозов рынка связи», доходы от услуг беспроводной связи выросли на несколько десятков процентов, в то время как расходы на оборудование, доходы от местной проводной связи и звонков на сервисные номера упали.

МИКРОСКОПИЧЕСКИЕ РАЗМЕРЫ

Учёные из Национального института стандартов США (NIST) создали микроскопический осциллятор, который может использоваться в мобильных телефонах, устройствах беспроводной связи и радарах. Отличие нового прибора в том, что его габариты в сотни раз меньше существующих устройств и сравнимы с толщиной человеческого волоса.

Источник: http://www.nist.gov

В МИРЕ КОМПЬЮТЕРОВ

ПОРТАТИВНЫЙ КОМПЬЮТЕР OQO ВОЗРОДИЛСЯ ИЗ ПЕПЛА

На выставке Consumer Electronics Show в Лас-Вегасе, штат Невада, был продемонстрирован новый прототип «ультрапортативного» персонального компьютера OQO. Впервые об этом устройстве было объявлено в 2002 году, однако, разработчики устройства достаточно скоро погрузились в полное молчание относительно судьбы нового компьютера, а о самом устройстве начали потихоньку забывать.

Источник: http://www.oqo.com

КОМПЬЮТЕР БЕЗ СИСТЕМНОГО БЛОКА

Британская компания Pelham Sloane сообщила о выпуске компактного настольного компьютера PS1500, у которого системный блок отсутствует в принципе. Вся аппаратная «начинка» деск-топа спрятана внутри корпуса жидкокристаллического монитора с диагональю дисплея 15 или 17 дюймов. При этом толщина монитора не превышает 75 мм.

Источник: http://www.legendgrp.com

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 16—22 феврал учун

TV I, TV II, TV III, TV IV, ОРТ, РТР, НТВ

ДУШАНБА, 16

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлилнома".
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 "Назм ва наво".
9.25 "Тиббиёт одимлари".
9.40 "Нурли манзиллар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
11.55, 12.25 ТВ-анонс.
12.05 "Кўрсатувдан-кўрсатувгача".
12.30 "Бобур изидан". Видеофильм. 4-қисм.
12.50 "Тавиз нуқтаси".
13.10 "Шов-шув". Телесериал.
14.10 "Оқ ва қора". Телешоу.
14.50 "Улкан балиқ ови". Бадиий фильм.
16.00 Мусиқий танаффус.
16.10 "Қалб гавҳари".
16.30 "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал. "Болалар сайёраси":
16.55 1. "Улғайиш поғоналари".
2. "Ўлтирш тож".
18.10 Болалар спорти.
18.25 Бир жуфт қўшиқ.
18.35 "Экран ҳандаси".
19.05 "Мулқлар".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. "Ҳиммат".
21.25 "Бобур изидан". Видеофильм. 5-қисм.
21.45 "Замонлар оша-1". Бадиий фильм.
23.25 "Ахборот-дайжест".
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

"Ёшлар" телеканали TV II

17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 "Чарли шампани". Бадиий фильм 4 - қисм.
17.50 "Янги авлод" студияси: Кичкинтойميз-гижингтойميз.
18.10 "Беодоб", "Инжиқ Мурод". Мультфильмлар.
18.30 ТВ-анонс.
18.35 Қўёшли юрт одамлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - репортаж.
19.45 ТВ-анонс.
19.50 Мукаддас бурч.
20.10 Мусиқий лаҳза.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 ТВ-адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе". Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол. 0.25 - 0.30 Хайрли тун.

"Тошкент" телеканали TV III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: "Луиза Ферманда".
17.45 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
17.55 "Хориж хабарлари".
18.00, 21.10 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Мурувват".
18.30, 20.00, 21.40, 22.40 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
19.20 ТТВда сериал: "Ҳақиқат чегараси".
20.20 Ойбек. "Навоий". Видеофильм. 8-қисм.
20.55 "Avto-news".
21.20 "Хусусийлаштириш: қадам бақадам".
22.00 ТТВда сериал: "Бебилиска пул".
23.00 Кинонигоҳ. "Зорро". 1-қисм.
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

СПОРТ телеканали TV IV

8.00 "Бардам бўлинг". Тонги дам олиш дастури.
9.00 "Маҳалламиз паҳлавонлари".
9.30 "Хабарлар".
9.45 "От спорти". Жаҳон кубоги.
10.05 "Ўзбекистон ифтихорлари".
10.25-10.55 "Дунё халқлари ўйинлари".
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Шоввозлар". Мультсеанс.
17.20 "Спорт - антракт".
17.30 "Хабарлар".
17.45 "Болалар спорти".
18.00 "Дадиллик учун соврин". РЖТ.
18.20 "Хазина кетидан ҳазил". Ҳажвий кўрсатув.
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
18.50 "Спорт клуб". РЖТ.
19.00 Премьера. "Клон". Сериал.
20.00 "Мени кутгин".
21.00 "Время".
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
21.30 "Хабарлар".
21.45 "Қураш-дунё интоҳида".
22.05 Жаҳон спорти: "Проффринг".
23.05 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ОРТ

6.00 Телеканал «Доброе утро»
8.45 Выборы-2004
9.00 Новости
9.05 Боевик «Случайный шпион»
10.50 Документальный детектив. «Осколки от «ореховских».
11.40 Следствие ведет Колобков
12.00 Новости
12.20 Х/ф «Отряд специального назначения». 1-я серия
13.40 «Убийца авианосцев». Документальный фильм
14.10 Город женщин
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 Сериал «Берег мечты»
16.20 «Угадай мелодию»
16.50 «Большая стирка»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.20 «Шутка за шуткой».
18.50 Выборы-2004
19.00 Сериал «Клон»
20.00 Жди меня
21.00 Время
21.30 «Улицы разбитых фонарей-5». Многосерийный фильм
22.40 Криминальная Россия. «Евроремонт для убийцы».
23.10 «Алексей Косыгин». Документальный фильм
23.50 Искатели. «Александр I. Тайна отречения»
24.20 «Формула власти».

РТР

3:00 «Доброе утро, Россия!».
6:45 Комедия «Чокнутые».
8:40 «В Городке».
8:50 ВЕСТИ.
9:00 ВЕСТИ.
9:20 ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 «Что хочет женщина».
10:50 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
11:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
12:00 ВЕСТИ.
12:10 ВЕСТИ-МОСКВА.
12:30 «Частная жизнь». Ток-шоу.
13:30 Телесериал «Возвращение Мухтара».
14:30 ВЕСТИ.
14:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.ВЕСТИ-МОСКВА.
15:00 ВЕСТИ.
15:10 Детектив «Кобра. Антитеррор». «Венок сонетов».
16:00 Телесериал «Небо в горошек».
16:55 Сериал «Тайны следствия-2. Падение».
18:00 ВЕСТИ.
18:30 ВЕСТИ-МОСКВА.
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Телесериал «Повторение пройденного».
20:00 Телесериал «Вокзал».
21:00 «ВЕСТИ+».
21:20 Телесериал «Идиот».
22:25 К 100-летию А.Н.Косыгина. «Чужой среди своих».
23:15 «Синемания».
23:45 Комедия «Крылышко или ножка?»
1:30 «Дорожный патруль».
1:40 Канал «Евроньюс» на русском языке.
2:45 ВЕСТИ.

НТВ

6:00 УТРО НА НТВ
8:50 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД».
9:25 «БЕЗ РЕЦЕПТА».
10:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
10:25 «НАМЕДНИ»
12:00 «СЕГОДНЯ»
12:30 Боевик «В ОСАДЕ-2»
14:35 «ПРОТОКОЛ»
15:00 «СЕГОДНЯ»
15:35 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17:00 «СЕГОДНЯ»
17:30 Сериал «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
18:35 «ПРОТОКОЛ»
19:00 «СЕГОДНЯ»
19:35 Сериал «СТИЛЕТ».
20:45 Сериал «Я ВСЕ РЕШУ САМА». 9 серия
22:00 «СЕГОДНЯ»
22:30 «КРАСНАЯ СТРЕЛА»
22:40 Сериал «БЕЗ СЛЕДА: ПОЛУНОЧНОЕ СОЛНЦЕ»
23:50 Сериал «СТИЛЕТ».
1:00 «СТРАНА И МИР». Главные события дня

СЕШАНБА, 17

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Кўҳна замин оҳанглари".
9.20 "Рангин дунё".
9.40 "Ифтихор".
10.00, 12.00 , 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Мулқлар".
10.25 "Робинзон Крузонинг саргузаштлари". Бадиий фильм.
11.50, 16.00 ТВ-клип.
12.05 "Бир кулишайлик".
12.20 "Бобур изидан". Видеофильм. 5-қисм.
12.40, 13.05 ТВ-анонс.
12.45 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. "Ҳиммат".
13.10 "Шов-шув". Телесериал.
14.10 "Мунозараси".
14.40 Кундузги сеанс: "Шаҳризоданинг янги эртаклари". Бадиий фильм. 1-қисм.
15.45 "ЎзДЕУавто Сиз учун".
16.10 "Яхшилик".
16.40 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Самарқанд Давлат тиббиёт институти".
17.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Индамас соҳибжамол". Мультфильм.
18.20 "Остонаси тиллодан".
18.40 "Тафсилот".
18.55 "ТВ Бинго миллионер". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истеъмолчи".
21.25 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.45 "Замонлар оша-2". Бадиий фильм.
23.35 "Ахборот-дайжест".
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

"Ёшлар" телеканали TV II

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 "Давр" - репортаж.
9.25 ТВ-анонс.
9.30 "Янги авлод" студияси: Кичкинтойميз-гижингтойميз.
9.50 "Мультфомоша".
10.05 Тонги сериал. "Рамаяна".
10.40 Барҳаёт Бобур.
11.00 "Давр" ҳафта ичида.
11.35 ТВ-адвокат.
11.40 "Гвадалупе". Телесериал.
12.20 Мусиқий лаҳзалар.
12.30 "Чорраҳадаги уй". Видеофильм 7-қисм.
13.00 Давр.
13.10 ТВ-анонс.
13.15 Интерфутбол.
14.55 Ёшлар овози.
15.15 Болалар учун мультсериал: "Қироллиқдаги саргузаштлар".
15.40 Мукаддас бурч.
16.00 "Сени севдим". Бадиий фильм 1-қисм.
17.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 "Янги авлод" студияси: Ёқимли иштаҳа.
18.10 Таянч.
18.30 Ёшлар овози.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 Мусиқий лаҳза.
20.00 Меҳр кўзда.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе". Телесериал.
21.30 Марди майдон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Акамнинг меҳрибонлари". Бадиий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун!

"Тошкент" телеканали TV III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: "Луиза Ферманда".
17.45 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
17.55 "Хориж хабарлари".
18.00, 22.30 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Мурувват".
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
19.20 ТТВда сериал: "Ҳақиқат чегараси".
20.20 Ойбек. "Навоий". Видеофильм. 9-қисм.
21.20 "Туризм ҳақида".
22.10 "Ҳамшаҳарлар".
23.00 ТТВда сериал: "Бебилиска пул".
23.40 Кинонигоҳ. "Зорро".
00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим!

СПОРТ телеканали TV IV

8.00 "Бардам бўлинг". Тонги дам олиш дастури.
9.00 Ғаиблол. Ўзбекистон чемпионати.
9.30 "Хабарлар".
9.45 "Болалар спорти".
10.00 "Кучли бешлик".
10.50-11.10 "Жаҳон спорти турлари".
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Ғаиблол. Ўзбекистон чемпионати.
17.30 "Хабарлар".
17.45 "Шоввозлар". Мультсеанс.
18.05 "Болалар спорти".
РЖТ.
18.20 Машҳурлар. Ольга Волкова.
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
18.50 "Эртага футбол". РЖТ.
19.00 Премьера. "Клон". Сериал.
19.50 Премьера. "Чегара". Сериал.
21.00 "Время".
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
21.30 "Хабарлар".
21.45 "Олимп сари йўл".
22.00 Афсонавий чемпионлар: Леннокс Льюис.
22.30 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".
00.05 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ОРТ

6.00 Телеканал «Доброе утро»
8.45 Выборы-2004
9.00 Новости
9.05 «Улицы разбитых фонарей-5». Сериал
10.10 Сериал «Клон»
11.10 «Шутка за шуткой».
11.40 Дисней-клуб: «Ким Пять с плюсом»
12.00 Новости
12.20 Х/ф «Отряд специального назначения». 2-я серия
13.40 «Сканер»
14.10 Город женщин
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 Сериал «Берег мечты»
16.20 «Угадай мелодию»
16.50 «Большая стирка»
18.00 Вечерние новости
18.20 «Кумиры». Ольга Волкова
18.50 Выборы-2004
19.00 Сериал «Клон»
19.50 «Моя граница». Многосерийный фильм
21.00 Время
21.30 «Улицы разбитых фонарей-5». Сериал
22.40 Тайны века. «Иосиф Сталин. Строка в завещание»
23.30 Ночное «Время»
24.00 «На футболе»
24.30 «Сканер»
1.00 «Подводный мир Андрея Макаревича»
1.30 Детектив «Покинутая»
3.00 Комедия «Непропеченный»
4.30 Сериал «Шпионка»
5.00 Новости
5.05 Сериал «Шпионка». Окончание

РТР

3:00 «Доброе утро, Россия!».
6:45 Телесериал «Повторение пройденного».
7:50 «Короткое замыкание». Ток-шоу.
8:50 ВЕСТИ.
9:00 ВЕСТИ.
9:20 ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 «Что хочет женщина».
10:50 Телесериал «Вокзал».
11:50 ВЕСТИ.
12:00 ВЕСТИ.
12:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
12:30 «Частная жизнь».
13:30 Телесериал «Возвращение Мухтара».
14:30 ВЕСТИ.
14:40 ВЕСТИ-МОСКВА.
15:00 ВЕСТИ.
15:10 Детектив «Кобра. Антитеррор». «Венок сонетов».
16:00 Телесериал «Небо в горошек».
16:55 Детективный сериал «Тайны следствия-2. Падение».
18:00 ВЕСТИ.
18:30 ВЕСТИ-МОСКВА.
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Телесериал «Повторение пройденного».
20:00 Телесериал «Вокзал».
21:00 «ВЕСТИ+».
21:20 Телесериал «Идиот».
22:25 ВЕСТИ.
22:X/ф «Тайны мумии»
0:45 «Дорожный патруль».
1:00 «Агентство одиноких сердец».
1:25 СЕРИАЛ. «Ангелы Чарли»
2:10 «Навеки Джулия».

НТВ

6:00 УТРО НА НТВ
8:50 Остросюжетный сериал «Я ВСЕ РЕШУ САМА»
10:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
10:25 «ДИКИЙ МИР: МИШКА НА СЕВЕРЕ»
11:15 «СТРАНА СОВЕТОВ»
12:00 «СЕГОДНЯ»
12:30 Х/ф «ЛЕТНИЙ ДОЖДЬ»
14:35 «ПРОТОКОЛ»
15:00 «СЕГОДНЯ»
15:35 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17:00 «СЕГОДНЯ»
17:30 Сериал «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
18:35 «ПРОТОКОЛ»
19:00 «СЕГОДНЯ»
19:35 Сериал «СТИЛЕТ». 10 серия, заключительная
20:45 Сериал «Я ВСЕ РЕШУ САМА»; 10 серия
22:00 «СЕГОДНЯ»
22:35 «КРАСНАЯ СТРЕЛА»
22:45 Сериал «БЕЗ СЛЕДА: УЛИЦА КЛЕНОВ»
23:50 Сериал «СТИЛЕТ»
1:00 «СТРАНА И МИР». Главные события дня
1:35 «КОМА: ЭТО ПРАВДА»

ЧОРШАНБА, 18

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Бойсун".
9.20 "Остонаси тиллодан".
9.40 "Хунарманд".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Рим тақлидлари". Бадиий фильм.
11.50, 13.50 ТВ-клип.
12.05 "Тафсилот".
12.20 "Меҳр уланиб".
12.40 Семфония мусиқа дунёси.
13.00 "Шов-шув". Телесериал.
14.10 "Истеъмолчи".
14.30 Кундузги сеанс: "Шаҳризоданинг янги эртаклари". Бадиий фильм. 2-қисм.
15.25 ТВ-анонс.
15.30 "Ягона оилам".
16.00 "Қиғиқлар ва зулколлар". Мавсум олдидан.
16.30 "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал. "Болалар сайёраси":
16.55 1. "Қизиқарли учрашувлар".
2. "Мактаб ҳангомалари".
18.10 "Таълим ва тарбиялаш".
18.30 "Яхшилар ёғи".
18.50 "Ўзбекистон" тақдим этади: "Мўтаҳам бузуқ".
19.05 "Ҳаёт ва қонун".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Юзма-юз".
20.30 "Ахборот".
